Декабрь Пленуми қарорларини амалга ошириб, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда янги ютуқларни қўлга киритайлик!

Ҳосилдорлик ортсин деб

Илк саҳар. Колхоз қишлоғига туташган кенг даладан тракторларнинг гуриллаган овози баралла эшитиларди. Бу ерда иш худди ёздагидай қизғин. Тажрибакор деҳқонлар, ишнинг кўзини билган механизаторлар қишнинг изғиринларини, жонни ачитадиган қаҳри-заҳрини писанд қилмай 1960 йилда ҳосилдорлигимиз яна ҳам ортсин деб, фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

—Ҳаракатда баракат деган гап бор, — дейди Хрушчёв номли колхоз раиси Ўртоқ Абдиқулов, — 1959 йилнинг кузу-қишида ҳам катта-кичик ҳаммамиз далада бўлиб, навбатдаги қишлоқ хўжалик йилида пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун астойдил курашган эдик. Натижаси яхши бўлди. 560 гектар пахта майдонидан мўлжалдагидай ҳосил олиб, районда биринчи бўлиб планимизни бажардик.

Раис ҳақиқатни айтди. Колхоз аъзолари етти йилликнинг биринчи йилида областимизнинг илгариги шуҳратини қайта тиклаш ишига муносиб ҳисса қўшиш йўлида бир жон, бир тан бўлиб меҳнат қилдилар.

Колхоз пахтакорлари ўтган йили машина теримига ҳам катта аҳамият бердилар. 150 гектар ернинг ҳосили машинада йиғиб олинди. Бу тадбир пахтанинг таннархини анча арзонлаштирди. Бунинг устига ана шу ердаги ҳосил пахтаси қўл билан йиғиштириб олинган майдонлардагига қараганда анча аввал териб олиниб, давлатга топширилди. Натижада бу майдонларни барвақт шудгорлаб қўйиш мумкин бўлди.

Ўтган йилги тажрибалар шуни кўрсатдики, пахта майдонлари қанча эрта шудгорланса, ҳосил шунча кўпаяр экан. Шунинг учун ҳозирги кунда пахтакорлар кузги-қишки ишларни намунали ташкил қилиб, мўл ҳосил учун пухта замин хозирламоқдалар. Механизаторлар барча пахта майдонларини районда биринчи бўлиб, эрта куздаёқ тўла шудгорлаб қўйдилар.

— 85 гектар ердан 40 центнердан ҳосил кўтарганимизнинг дастлабки сабабларидан бири пахта майдонларини эрта кузда шудгорлаб қўйганлигимиздадир, — дейди колхознинг илғор бригада бошлиғи Ўртоқ Мирзаали Ирисбоев, — шунинг учун бу йилги ҳосил учун шудгорлашга барвақт киришиб, уни колхозда биринчи бўлиб тамомладик. Энди далага гўнг чиқараяпмиз.

Райондаги «Гулистон» колхозида ҳам шудгорлаш қизғин бормоқда. Колхоз аъзолари 1959 йилда ҳосилдорликни 1958 йилдагига нисбатан 3,5 центнерданга оширдилар. 730 гектар ердан 25,1 центнердан ҳосил кўтарилди. Бунда кузги-қишки ишларни барвақт тамомлаш катта аҳамиятга эга бўлди. Шудгорлаш, далага гўнг чиқариш каби ишларни анча сифатли ўтказган айрим бригададар эса бундан ҳам яхшироқ натижаларни қўлга киритдилар.

Ўртоқ Нишонбой Эгамқулов бошлиқ бригадада 115 гектар пахта майдонидан салкам 35 центнердан «оқ олтин» йиғиб олинди.

Колхозда барча пахта майдони сифатли шудгорлаб қўйилди. Далага кўп миқдорда маҳаллий ўғит ташиб чиқарилди. Пахтакорлар сув йўлларини тозалаш ишларини ҳам бошлаб юборишди. Улар ҳамма қишки ишларни тезроқ тамомлаб, етти йилликнинг иккинчи йилида пахтадан яна ҳам юқори ҳосил етиштириш учун курашаяптилар. Бу кураш албатта катта ғалабалар билан якунланади.

Ҳ. АБДУСАМАТОВ.
Пискент райони.

Шу кунларда Калинин районидаги Карл Маркс номли колхознинг теплицасида ишлар қизғин олиб борилган. Колхозчилар Янги йил байрами кунларида шаҳар аҳолисига помидор етказиб бердилар. Суратда: колхоз теплицасида.
М. Турсунхўжаев фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

Пленум қарорлари катта муваффақиятларга отлантирди

1959 йилнинг бошида камқувват колхозлар бирлашиб, уларнинг ўрнида «Ўзбекистон» колхози ташкил топди. Шу муносабат билан пахта майдонимиз ҳам анча кенгайди.

Кўкламда 1350 гектар ерга чигит экдик. Колхозимиз аъзолари ҳар гектар ердан 24 центнердан ҳосил етиштириш учун кураш бошладилар. Ғўза парваришида механизациядан унумли фойдаланганимиз ва агротехника қоидаларига тўла амал қилганлигимиз сабабли пахта далаларида мўл ҳосил тўпладик.

Мирзачўлнинг шўр ва яхши ишланмаган ерлари учун 24 центнер оғир юк эди, албатта. Аммо колхозимиз аъзолари, июль, август ойларида айниқса зўр бериб ишлаб ҳосилга-ҳосил қўшдилар. Шунинг учун қишлоқ хўжалик йилини катта муваффақиятлар билан якунладик. Ҳар гектар ер ҳисобига 24 центнердан ҳосил кўтариб, йиллик планни салкам 106 процент қилиб бажардик.

Биз КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми очиладиган кунгача ҳамма пахта майдонимизни шудгорлаб қўйган эдик. Хўжалигимиз аъзолари бундан буён қишлоқ хўжалигини кескин юксалтиришда декабрь Пленуми кўрсатган йўлдан борадилар. Пленум қарорлари пахтакорларни катта муваффақиятларни қўлга киритиш сари отлантирди.

Ҳозирги кунда хўжалигимизда қишки тадбирлар уюшқоқлик билан ўтказилаётир. 1960 йилда пахта ҳосилдорлигини 30 центнерга кўтариш мақсадида ерларнинг шўрини ювмоқдамиз. Кўплаб маҳаллий ўғит тўпламоқдамиз. Бу ишда айниқса А. Отажонов, А. Дўстматова ўртоқлар бошлиқ бригада аъзолари олдинда бормоқдалар. Илғор бригадаларда бу йил ҳар гектар ердан 30—35 центнердан «оқ олтин» етиштиришга пухта замин ҳозирланаётир.

М. АЛИМУҲАМЕДОВ.
Сирдарё районидаги «Ўзбекистон» колхозининг раиси.

Янги режалар билан ишга киришдик

Партиямиз Марказий Комитетининг яқиндагина ўз ишини тамомлаган декабрь Пленуми қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тадбирларини белгилаб берди. Колхозимиз аъзолари Пленум қарорларини муҳокама қилар эканлар, уларда ўз хўжаликларини бундан буён қандай қилиб яна ҳам юксалтириш тўғрисида янги-янги режалар, фикрлар туғилди.

Илгари хўжалигимиз чоққина эди. 1959 йилда анча йириклашиб 1575 гектар ерга чигит экдик. Ҳар гектар ердан 25 центнердан ҳосил кўтариб, планни ортиғи билан бажардик. Бунда ерни экишга тайёрлашнинг аҳамияти катта бўлди. Шунинг учун ҳосилни йиғиштириб олишимиз билан шудгорлашни кучайтирдик. Ҳайдаш олдидан ҳар гектар ерга 5 — 7 тонналан гўнг солдик.

Пахтакорлар 1960 йилда пахтадан мўл ҳосил етиштиришни ўзларининг биринчи навбатдаги вазифалари деб биладилар. Шу сабабли ҳозир пахта далаларида қизғин иш кетаяпти.

Ўтган йили пахтачиликни комплекс механизациялаш соҳасида анчагина муваффақиятларни қўлга киритдик. Колхозимиздан чиққан илғор механизатор Турсуной Охунова мавсумда 210 тонна пахта терди. Партия ва ҳукуматимиз унинг бу хизматини юксак тақдирлаб Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонини берди. Қаҳрамон қизимиз Москвадан қайтиб келиб, у ерда эшитган гапларини бизга айтиб берди.

Биз Декабрь Пленуми қарори асосида пахта ҳосилини ошириш йўлида қатъий кураш олиб борамиз.

Ғ. ДАЛИБОЕВ,
Чиноз районидаги Киров номли колхознинг раиси.

Боғ-роғлар янада кенгайтирилади

Чарвоқ, Чимён, Бурчмулла, Боғистон ва Сижжак қишлоқларидаги хўжаликлар 1957 йилда бирлаштирилиб, «Бўстонлиқ» совхози ташкил этилди. Бу совхоз дастлабки йилнинг ўзидаёқ бир талай ютуқларни қўлга киритди. Ишчи ва механизаторлар ўз хўжаликларини гуркираб яшнатиш йўлида бир жон, бир тан бўлиб кураш олиб бордилар. 1958—1959 йилларда уларнинг кучи ва ғайрати билан 543 гектар янги боғ ва токзор вужудга келтирилди. Боғларнинг бир қисми ҳосилга кириб, эндиликда хўжаликнинг бойлигига бойлик қўшмоқда.

Боғбонлар 1959 йилдан бошлаб аъло навли ток қаламчаларини ўз хўжаликларида тайёрлай бошладилар. Тажриба — бу қаламчаларнинг яхши унувчан ва серҳосил бўлишини кўрсатди. Ҳозиргача совхозда 20 мингдан ортиқроқ ток қаламчаси ўтқазилди. Яқин кунлар ичида ана шундай қаламчалардан бригада ва бўлимларга яна 80 минг туп тарқатилиши мўлжалланмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг Пленумида боғ-роғларни бундан буён янада кенгайтира бориш, аҳолининг нозиқ-неъматларга бўлган эҳтиёжларини тўла қондириш соҳасига ҳам катта эътибор берилди. Пленум белгилаган илҳомбахш қарорлар совхоз боғбонларининг ҳам ғайратига ғайрат қўшди. Улар етти йилликка мўлжалланган режаларни муддатидан илгари бажариш ва мўл-кўл мева тайёрлаш тадбирларини изчиллик билан амалга оширмоқдалар.

1960 йилда яна 470 гектар ерга кўп йиллик мевали дарахтлар ва ток ўтқазилади. Бу тадбир амалга оширилса боғ ва токзорлар совхоз ташкил қилинмасдан бурунги даврга нисбатан 2 баравар кўпаяди. Етти йилликнинг охирига бориб эса мевали боғлар ва токзорлар 3050 гектарга етади, ҳосилдорлик анча оширилади.

Р. НАЗАРОВ.
Бўстонлиқ райони.

Ҳаётий асарлар кўргазмаси

Яқинда рассомлар союзи залида рассом Зокир Иноғомовнинг ижодига бағишланган кўргазма очилди. Кўргазмага қўйилган икки юздан ортиқ катта ва кичик ҳажмдаги тематик картина, портрет, пейзаж ва этюдларни бирма-бир кўздан кечирар эканмиз, рассомнинг кейинги уч-тўрт йил ичида ғоявий ва бадиий юксак асар яратишда бир қанча ютуқларга эришганлигини кўрамиз.

Тақдим этилган янги асарлар орасида «Суғориш», «Тарвуз хирмони», «Колхоз манзараси», «Нонвой», «Студент портрети» каби полотнолар бор.

Рассомнинг «Тарвуз хирмони» асарини кўрган ҳар бир тамошабин кундалик турмушда учраб турадиган ҳаётий лавҳаларни кўз олдига келтиради ва колхоз далаларида етиштирилган ҳосилдан қуванади.

Уфққача чўзилиб кетган пайкал ўртасига чайла ўрнатилган. Унинг ёнгинасида ҳозиргина узилган тарвузлар хирмони. Нарироқда икки аёл олов ёқиб чой қайнатмоқда...

Ўтган йили Москвада бўлиб ўтган ўзбек санъати ва адабиёти декадаси кунлари очилган бадиий кўргазмада Иноғомовнинг «Ошпаз хотин», «Чойхоначи», «Ноништа» каби асарлари пойтахт тамошабинлари олдида жуда катта муваффақиятларга сазовор бўлди.

Рассомнинг «Нонвой» номли янги полотноси ҳам «Чойхоначи», «Керосинчи» асарлари каби қувноқ юмор билан суғорилган.

Зокир Иноғомов портретчи рассом сифатида ҳам танилган. У ўзининг портрет асарларида халкимизнинг сермазмун ҳаётини тасвирлайди. Рассом ижодида колхозчилар образи муҳим ўрин тутади.

Иноғомов ижодига бағишланган бу кўргазма унинг бадиий маҳорати кундан-кунга ўсиб, такомиллашиб бораётганидан далолат беради.

Т. ОДИЛБЕКОВ.

10 дан ортиқ спектакль

— Тўгарак аъзолари саҳналаштирган спектакллар, гарчи ҳали мерёрига етмаган бўлсада, — дейди Н. Островский номидаги пионерлар саройи ўзбек драма тўгарагининг раҳбари ўртоқ Раҳмонов, — кўпгина тамошабинларнинг эътиборини ўзига жалб қилмоқда. Ҳозир ёш коллективнинг репертуарида 10 дан ортиқ асар бор.

А. Фадеевнинг «Ёш гвардия», А. Раҳматнинг «Абдулла Набиев», В. Любимованинг «Оппоғим» асарлари ёшларимизнинг севимли спектакларидан бўлиб қолди. Мазкур асарларни саҳналаштиришда тўгарак аъзоларига пойтахтимиздаги театрларнинг ижодий коллективлари, талантли режиссёрлар яқиндан ёрдам бермоқдалар. Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театри, Охунбобоев номидаги республика ёш тамошабинлар театри ана шулар жумласидандир.

Тўгарак аъзолари тайёрлаган спектакллар мамлакатимизнинг бир қатор шаҳарларидаги пионерлар саройлари саҳналарида ҳам кўрсатилди. Москва, Ленинград, Олмаота, Фрунзе, Рига шаҳар пионерлари ҳаваскор санъаткорлар ижро этган «Абдулла Набиев», «Павлик Морозов», «Жазоир, менинг ватаним» сингари спектаклларни катта қизиқиш билан тамоша қилдилар.

Шу кунларда сарой ҳаваскорлари «Ганг дарёсининг қизи» спектакли устида қизғин иш олиб бормоқдалар.

М. МИРЗААҲМЕДОВ.

„Туҳматчилар жазоси“ мактаб саҳнасида

Ўзбек совет адабиётининг асосчиси, атоқли композитор Ҳ. Ҳ. Ниёзий юбилейига 4-«Боёвут» совхозидаги Фурманов номли ўрта мактаб ўқувчилари ҳам катта ҳозирлик кўришмоқда. Яқинда мактабда атоқли адибнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишланиб адабий кеча ўтказилди. Адабиёт ўқитувчиси Й. Бобоевнинг «Ҳамза — биринчи ўзбек совет ёзувчиси» деган темада қилган докладидан сўнг, адабиёт тўгараги аъзолари кеча қатнашчиларига Ҳамза асарларидан намуналар ўқиб бердилар.

Ўқувчилар кечага бағишлаб, Ҳамзанинг ҳаёти ва ижодий фаолиятини акс эттирувчи фото-газета ҳам чиқардилар.

Мактаб ўқувчилари юбилейга атаб Ҳамзанинг «Туҳматчилар жазоси» пьесасини тайёрлаб, совхоз ишчиларига кўрсатдилар.

Х. ЗИКРИЛЛАЕВ.

Юбилей плакатлари

Яқинда Ўзбекистон ССР Давлат нашриёти янги плакат асарлари босиб чиқарди.

Кўп нусхада нашр қилинган плакатлар орасида атоқли ўзбек совет шоири Ҳамид Олимжон юбилейига бағишланган асарлар ҳам бор. Севимли шоиримиз портретини Ўзбекистон ССР халқ рассоми Лутфулла Абдуллаев бадиий ва мазмундор ишлаган. Айниқса, асарга ишлатилган бўёқлар ва портрет композицияси плакатнинг жозибали ҳамда мазмунли чиқишига ижобий таъсир қилган. Плакат-портретда қаҳрамоннинг ижодий илҳом билан тўлиб-тошган қиёфаси олдинги планда бўртгириб берилган.

Рассом Н. Я. Широский томонидан ишланган «Ҳамид Олимжоннинг 50 йиллиги» деган плакат ҳам шоир юбилейи олдидан тайёрланган асарлардан биридир. Унда табиат лавҳалари фонида адибнинг самимий қиёфаси гавдалантирилган.

А. АКБАРОВ.

ХУШХАБАРЛАР

*** КАЛИНИН районидаги Карл Маркс номли колхознинг сут соғувчилари ўтган йили юқори кўрсаткичларга эришдилар. Фермانинг илғор сут соғувчиси ўртоқ Бўринисо Исоқова ўз боқимидаги ҳар бош соғин сигирдан 5550 килограммдан сут соғиб олди. Оржоникидзе районидаги Ленин номли (собиқ Қорасув райони) колхознинг ёш сут соғувчиси Зуҳра Комилова ҳам ҳар бош соғин сигирдан 5500 килограммдан сут соғиб олди.**

*** БОЁВУТ районидаги 4-«Боёвут» совхозининг ўртоқ Н. Бекиров бошлиқ комплекс механизациялаштирилган бригадасида ўтган йили ҳосилнинг 80 процента машинада терилди. Бир центнер пахта тайёрлаш учун 132 сўмдан сарфланди. Бригаданинг ҳар бир ишчиси ойига ўртача 1,5 минг сўмдан даромад олди.**

*** ЯНГИЙЎЛ районидаги Сталин номли колхоз аъзолари ўтган йили 80 бош қорамол, 100 бош чўчқа, 150 бош қўйни бўрдоқига боқиб, давлатга гўшт топшириш планини муваффақиятли бажардилар. Янги йилда эса 90 бош қорамол, 200 бош қўй, 100 бош чўчқа бўрдоқига боқилади.**

*** СИРДАРЁ районидаги «Малик» совхозининг ўртоқ Жавод Кўчиев бошлиқ бригада аъзолари янги йилда ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил топшириш мажбуриятини олдилар. Бригаданинг ерига 40 гектар ер қўшилиб, пахта майдони кенгайтирилди. Шўр ювиш ишлари ҳам муваффақиятли ўтказилди.**

*** ЧИНОЗ районидаги 4-«Вревский» наслдорчилик совхозида чорва моллари ем-хашагини кўлайтириш йўлида катта ишлар қилинди. Совхознинг ўртоқ Арслонбек Оқбердиев бошлиқ ем-хашак бригадасида бедадан мўл ҳосили олинди.**

АГРОНОМ МАСЛАХАТИ

Агротехникада янгиликлар сари

Областимиз колхоз ва совхозлари яқин йиллар ичида пахта етиштиришни бирмунча кўпайтиришлари ва 1960 йилдаёқ мамлакатга кам деганда 500 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш учун курашишлари лозим. Бу мақсадга эришиш учун кам ҳосилли колхоз, совхоз ва далачилик бригадаларини ўрта даражага, ўрта хўжаликларни эса илғор ҳатто энг юқори ҳосилчилар қаторига кўтариш керак.

Область колхоз ва совхозлари техника билан яхши таъминланган, минерал ўғитлар ҳам етарли, сув ҳам сероб. Буларнинг ҳаммаси, агар иш пухта ташкил этилса область хўжаликларида гектаридан 20 центнердан кам ҳосил оладиган хўжаликларнинг бўлмаслигини таъминлайди.

Юқори Чирчиқ районидаги «Меҳнат бирлик», Жданов номли колхозларни камҳосилли хўжаликлар қаторига киритиш мумкин. Бу колхозларда ҳар гектар ердан 6,8—11,9 центнердан ҳосил олинди. Оққўрғон районидаги Навоий номли, Ўрта Чирчиқ районидаги Максим Горький, Чиноз районидаги «Победа», Энгельс номли, Боёвут районидаги «Дружба», «Фарҳод» совхозларида ҳам гектаридан олинган ҳосил 9—14,6 центнердан ошмади.

Юқорида санаб ўтилган хўжаликлар техника, минерал ўғит, сув билан таъминланганлиги ва тупроғининг сифати жиҳатидан мўл ҳосил олаётган бошқа илғор хўжаликлардан жуда кам фарқ қилади.

Агар кам ҳосилли хўжаликларда гектаридан олинадиган ҳосилни 4—5 центнерданга, ўрта хўжаликларда эса 2—3 центнерданга оширадиган областимиз колхоз ва совхозлари етиштириш кам деганда 40 минг тонна кўпаяди, бу эса янги мақсад ва вазифаларни муваффақиятли равишда амалга ошириш имконини беради.

Юқори ҳосилли колхоз, совхозлар, айниқса, далачилик бригадаларининг иш тажрибаларини диққат билан ўрганса, шу нарса очиқ-ойдин бўладики, улар ғўза парваришида ерни тайёрлашдан тортиб то йиғим-теримгача бўлган барча ишларда комплекс агротехника тадбирларини ер шароитига қараб ижобий татбиқ қилаётганликлари туфайли мўл ҳосил етиштиришга муваффақ бўлмоқдалар.

Ўрта Осиё ерларининг тупроғи ҳар хиллилиги ҳаммамизга маълум. Тупроғининг структураси ҳар хил, сизот сувлари шўр бўлган майдонлари бор хўжалик топилади. Демак, тупроқнинг ҳар хил бўлишига қараб экиш олди кампанияси ва экиш даврида ҳар бир участкани шароитига қараб суғориш, ўғит солиш талаб қилинади. Бу тадбирларни амалга оширишда бир хилликка йўл қўйиш асло ярамайди. Ерни суғораётганда ёки ўғит солаётганда тупроқнинг ҳосилдорлиги, тузилиши, сизот сувларининг чуқур, юзалиги ва шунга ўхшаш нарсалар албатта ҳисобга олиниши керак. Бундан ташқари йилнинг у ёки бу даврида рўй берчб турадиган об-ҳаво шароитлари хусусиятларини ҳам эътиборга олиш талаб қилинади.

Ҳакимполвон Қодиров, Ғанишер Юнусов, Янгийўл районидаги Киров номли колхозидан Умарали Муҳамедов, Боёвут районидаги «Коммунизм» колхозидан Қўшоқ Маҳкамов ва Эсар Ғуличев, Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозидан Анвар Эгамназаров, Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозидан Мирҳалит Юнусов ва бошқа жуда кўп миришкорларимиз борки, улар ғўза парваришида йўлларини жуда яхши биладилар, мўл ҳосил усталари ҳисобланадилар. Бу миришкорлар агротехникада доимо янгиликка интиладилар, барча агротехника ишларини юқори савияда ўтказадилар. Афсуски, шундай бригадирлар ҳали кам. Жуда кўп бригада бошлиқлари мутахассисларнинг доимий ёрдамларига муҳтождирлар. Колхоз ва совхозларнинг агрономлари бригадирларга, уларнинг ғўза парвариши соҳасида агротехниканинг табақалаштирилган усулларини ишлаб чиқишда ёрдам беришлари лозим.

Ерни экишдан олдин тайёрлаш тўғрисидаги агротехника кўрсатмаларида тупроқнинг юза қатламининг бир хилда донадор бўлиши, чигит экиш учун ажратилган майдонларда ҳамма ер тупроғининг юза қатлами юмшоқ бўлиши лозим, деб уқтирилади. Кўпчилик участкаларда шудгор қилинган ерлар шу мақсадда бороналанади ёки мола босилади, тупроғи ўтириб қолган ерларда эса юмшатиш учун бирйўла бороналаш билан мола босишни қўшиб ўтказиш ёки дискали боронани қўллаш ёки бўлмаса чизеллаш йўли билан эришилади, баъзан эса унча чуқур қилиб бўлмаса ҳам ҳайдашга тўғри келади.

Бироқ, бир қатор колхоз ва совхозлар ва жуда кўп далачилик бригадалари сон орқасидан қувиб рўй берган шароитни қисобга олмасдан, агротехника талабларига риоя қилмасдан иш тутадилар, ерни экиш олдидан тайёрлашда сифатга эътибор бермай, фақатгина бороналаш билан чегараланиб қўяқоладилар. Натижада тупроқнинг юза қатламлари яхши майдаланмайди, юмшамайди, ниҳоятда сифатсиз ерга экишга тўғри келади. Натижада уруғлик яхши жойлашмай, чириб кетади ёки униб чиқиши кечикади.

Баҳор пайтларида ер ҳайдалганида унинг сифати, чуқурлигига айниқса катта аҳамият бериш лозим. Тупроқнинг қатлами, сизот сувларининг чуқур ёки юзалигига қараб ишни пухта ташкил қилиш керак. Бундай пайтларда ҳисобни тўғри ўтказиб шунга эришиш керакки, ҳайдаш натижасида тупроқнинг лойли ёки ҳали пишиб етилмаган қатламлари ер юзасида қолмасин.

Бироқ, бир қатор ҳам ҳосилли хўжаликларда агрономия ходимлари тупроқнинг чуқур ҳайдалишига контроллик қилмайдилар, кам эътибор берадилар.

Уруғлик чигитни экиш олдидан ивитиш республикамизнинг барча пахтакор районларида кўплан буён қўлланилиб келаётир. Кейинги йилларда экишни эрта муддатларда ўтказилаётганлиги муносабати билан чигитни узоқ вақт ивитиш усули уруғликни тўплаб туриб, бирйўла ивитиш билан, экишнинг биринчи—1—10 апрель кунлари эса ивитмасдан ҳам экиш усули билан алмаштиришни тақозо қилади. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, бу кўрсатмаларни об-ҳаво шароитининг қандай келиши ва тупроқда намнинг кўп ёки озлиги билан боғлаб амалга ошириш лозим. Лекин шундай фактлар борки, хўжалик раҳбарлари, бригадирлар, айниқса агрономлар рўй берган шароитни ҳисобга олмайдилар, чигитни ивитмасдан экиш тўғрисидаги кўрсатмани рўкач қилиб, барча майдонга ивитмай чигит экилишига ҳам йўл қўядилар. Натижада чигитнинг униб чиқиши кечикади, кўп ҳолларда чигит суви беришга тўғри келади.

Мўл ҳосил усталари суғориш режимига катта аҳамият берадилар. Суғориш сонини тупроқ шароитлари, об-ҳаво шароитини қатъий ҳисобга олган ҳолда табақалаштириб қўядилар. Шунинг учун ҳам бу бригадаларда ғўза яхши ривожланади, мўл ҳосил тўпланади, кўсаклар яхши етилиб, эрта муддатларда очилади.

Ўрта Чирчиқ районидаги Свердлов номли, Бўка районидаги Тимирязев номли, Оққўрғон районидаги «Октябрь 40 йиллиги», Гулистон районидаги Сталин номли, Сирдарё районидаги Карл Маркс номли, Чиноз районидаги Сталин номли колхозларда сув режимининг бузилганлиги, айниқса ўсимликнинг вегетацион даври охирларида бузилганлиги бу хўжаликларда пахта тайёрлаш планининг бажарилмай қолишига асосий сабаб бўлди. Оққўрғон районидаги Навоий номли, Ўрта Чирчиқ районидаги Максим Горький номли, Чиноз районидаги «Победа» колхозлари ўсимликни чанқатиб қўйганликлари туфайли ҳосил паст бўлди.

Ернинг, ғўзанинг талабини ҳисобга олмасдан маъмурий методларда иш олиб бориш ҳам катта зарар келтиради. Колхозлар, совхозлар кўпинча суғориш юзасидан бир қолипда тузилган график ва кундалик топшириқ берадилар. Тажрибаси кам бригадирлар бу ҳақиқий аҳволга тўғри келмайдиган кўрсатмаларга амал қилиб, агротехника қоидасини бузадилар, суғоришда катта камчиликка йўл қўйиб, натижада ҳосилга зарар етказадилар. Ҳалигача кўпгина хўжаликлар, айниқса камҳосилли колхозларда минерал ўғитни тақсимлаш ва фойдаланишда маълум бир тартиб ўрнатилмаган. Бригадаларга ўғит тақсимлашда асосан ҳосилдорлиги ҳисобга олинади, лекин тупроқ шароити ҳисобга олинмайди.

Маълумки, ўтлоқ ерларнинг тупроғи сариқ ва қора тупроқли ерларга қараганда органик ўғитлар — азотга бирмунча бой бўлади. Масалан, ҳайдалган бедазор ер эскидан ҳайдалиб келаётган ерларга нисбатан азотга бойдир. Лекин минерал ўғитларни солишнинг нормалари ва муддатлари белгилаб чиқилаётганида бу шароитлар кам ҳисобга олинади. Ҳар гектар ерга нисбатан ишлатиладиган ўғит нормаси бир хил қолипда тақсимланади ва кўпинча ерни озиқлантириш ўсимликнинг ривожланишини ҳисобга олган ҳолда ўтказилмайди.

Кўпгина колхоз ва совхозларда ўсимликни қайси схемада ўстириш, ернинг шароити ҳисобга олинган ҳолда яхши танланмайди. Кўпгина колхоз, совхоз ва бригада раҳбарлари, агрономлар чигитни квадрат-уялаб экиш ва ўсимликни икки томонлама парвариш қилиш соҳасида беш йиллик ишлаб чиқариш тажрибага эга бўлишимизга қарамасдан чигитни қай усулда экишга келганда фақат биргина факторни — ғўза парвариши даврида механизациядан фойдаланишнинг қулайлигини ҳисобга олиб иш юритадилар. Кўчат қалинлигини таъминлаш, суғориш ишлари сингари факторлар эса эътибордан четда қолади.

Ўтган беш йил ичида кўпчилик майдонларда чигит экишда асосан 3 схема қўлланилиб келди. 1954—1955 йилларда кўпчилик 45х45 ва 60х45, 1956 йилда 60х45, 1957 йилда 50х50, 1958 йилда 60х60 ва 60х50, 1959 йилда эса асосан 60х60 схемасининг тарафдори кўп бўлди.

Бизда жуда кам колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари ва бригадирлари чигитни қайси усулда экиш кўп фойда келтиришини ҳар тараф-лама ва диққат билан ўрганиб бордилар. Боёвут районидаги «Коммунизм» колхозининг раиси Латипов, Сирдарё районидаги «Ҳақиқат» колхозининг раиси Назира Йўлдошева, Ўрта Чирчиқ районидаги «Полярная звезда» колхозининг раиси Ким Пен Хва, «Бўка» совхозининг директори Ботиров, бригадирлардан Ҳакимполвон Қодиров, Қўшоқ Маҳкамов ва бошқаларни ана шундайлар қаторига киритиш мумкин.

Агротехника тадбирларини табақалаштирилган ҳолда амалга ошириш ҳосилдорликни оширишда жуда кўп резервларнинг ишга туширилишига ва пахта етиштиришнинг кўпайишига ёрдам беради. Шунинг учун ҳам колхоз ва совхозларнинг агрономия ходимлари пахта етиштириш соҳасида агротехника тадбирлари амалга оширилганида бир хиллиликка қарши кескин кураш олиб боришлари, барча дала ишларини ҳар бир ернинг тупроқ шароити, сув билан таъминланганлигини, об-ҳаво шароити ва ниҳоят ўсимликнинг ривожланиши билан узвий боғланган ҳолда ўтказилишига эришишлари лозим.

Областимизнинг агрономия ходимлари бой илмий тажрибалар ҳамда илғорларнинг тажрибаларига суяниб туриб агротехника тадбирларини амалга оширишда маълум бир тартиб ўрнатишга, бу тадбирларнинг маҳаллий шароитга қараб ўтказилишига эришишга қодирдирлар.

А. КОЛГИНА.
Тошкент область қишлоқ хўжалик бошқармасининг бош агрономи.

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ“
3-БЕТ, 1960 ЙИЛ, 5 ЯНВАРЬ.

ИЖОДИЙ МЕҲНАТ КИШИЛАРИ

ИСТЕЪДОДЛИ ГЕОЛОГ

Суратда: Геология-минерология фанлари докторн О. Акромхўжаев. М. Нуриддинов фотоси.

1922 йилнинг баҳори камбағал деҳқон Мурод ака оиласига оғир ғам-қайғу келтирди. Ўша баҳорнинг ҳар томонда гул очган кунларидан бирида Мурод аканинг Чимкент атрофида босмачилар томонидан ваҳшийларча ўлдирилганлиги ҳақидаги ғожиали хабар келди. Мурод полвон билан видолашиш учун унинг уйига қавм-қаринДошлари, таниш-билишлари, янги бахтиёр социалистик ҳаёт қуриш учун, ёш Совет республикасини мустаҳкамлаш учун курашга отланган кишилар йиғилишди. Шунда Обиджон эндигина икки ёшга тўлган эди...

Йиллар ўтди. Босмачилар яксон этилди, ўз озодлиги учун, Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун курашган халқ ички ва ташқи душманларни янчиб ташлаб, бахтиёр ҳаёт қурди. Ўтмишда жабр-жафо чекиб келган меҳнаткаш деҳқоннинг елкасига офтоб тегди.

Мурод аканинг етим қолган болалари ҳор-зор бўлмадилар. Обиджон ҳам Совет давлатининг ғамхўрлигидан баҳраманд бўлиб ўкиди, ўсди, улғайди. Обид Акромхўжаев аввал етти йиллик мактабда, сўнгра рабфакда ўқиди. У, геология фанига ихлос қўйди. 1945 йилда Ўрта Осиё Политехника институтининг геология факультетини аъло баҳолар билан битирди. Илмий-текшириш ишларига ҳаваси зўр бўлганидан ва бу соҳада ўз қобилиятларини намойиш қила олганидан уни Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Геология институтига ишга таклиф қилдилар. Институтда лаборатория ишлари олиб бориш билан бирга, кандидатлик диссертацияси устида ҳам ишлай бошлади. «Шарқи-жанубий Фарғонадаги бўр даври ётқизиқларининг петрографик ва минералогик характеристикаси» деган темадаги диссертациясини ёзиб, 1951 йилда муваффақиятли равишда ёқлади. Бу илмий асар шарқи-жанубий Фарғона массивида бўр даври ётқизиқларида нефть запаслари борлигини исбот қилиб берди, нефтнинг қандай чуқурликларда ётганлигини аниқлаб, нефть саноати ходимларига қўпгина қулайликлар яратди. Кейинчалик ҳам О. Акромхўжаев нефть ва газ запасларини аниқлаш, топиш каби муҳим масалалар билан шуғулланади.

Истеъдодли олим Фарғона геологиясини текшириши давом эттириш билан бирга, геология билимларини оммалаштириш соҳасида ҳам баракали ишлар қилади. У, «Оҳангарон — Ўзбекистон кочегаркаси», «Нефть», «Кўмир», «Тоғ-тошлар сири» каби илмий-оммабоп китобларни ёзди. Ўзбек геологи, атоқли совет олимларидан А. Ферсманнинг «Қизиқарли геохимия», С. Обручевнинг «Геология асослари» асарларини таржима қилишда актив иштирок этди.

О. Акромхўжаевнинг Фарғона водисидаги бўр даври ётқизиқларининг литологияси соҳасидаги кўп йиллик илмий-текшириш ишлари докторлик диссертацияси учун асос бўлди.

Яқинда О. М. Акромхўжаев ана шу докторлик диссертациясини «қора олтин» республикаси пойтахти Бокуда ёқлади. Нефть ва газ конларини топиш ва ишга солиш соҳасида ишлаётган атоқли олимлар Обид Муродовичнинг илмий тадқиқотларига юксак баҳо бердилар. У, геология-минералогия фанлари доктори деган шарафли илмий даражага сазовор бўлди.

— Фикримча, — деди диссертант илмий совет кенгашида, — Фарғона водисида янги-янги йиллар ичида янги-янги нефть ва газ конлари очилади. Бунинг учун геология-қидирув-разведка ишларини янада кучайтириш ва чуқур қудуқларни пармалаш ишларини кенг кўламда олиб бориш зарур.

Олим бу ажойиб хулосага келиш учун жуда кўп илмий-текшириш ишлари олиб борди.

... Мурод ака Обиджон туғилганда беҳад хурсанд бўлиб, ўғлининг ўқимишли ва меҳнатсевар киши бўлиб чиқишини орзу қилган эди. Унинг орзуси ушалди. Обид Муродович Совет ҳокимияти йилларида етишиб чиққан истеъдодли ўзбек зиёлиларининг биридир.

Р. ИБРОҲИМОВ,
А. АБДУҚОДИРОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Геология ҳамда нефть ва газ конларини ишга солиш институтининг илмий ходимлари.

Бизга ёзадилар

ЎҚУВЧИЛАР ДОСААФ АЪЗОЛАРИ

Оққўрғон районидаги Жданов номли 3-мактабда ДОСААФ тўгараги ташкил қилинди. Қисқа вақт ичида тўгаракка 150 ўқувчи ва 50 ўқитувчи аъзо бўлиб кирди. 7 та спорт секцияси иш олиб бораётган бу тўгаракка ўқитувчи Абдулла Аҳмедов бошчилик қилмоқда. ДОСААФ тўгараги ўқувчиларнинг спорт маҳоратларини оширишга яхши ёрдам бераётир.

Н. Мадаминов.

МАДАНИЙ-МАИШИЙ БИНОЛАР

Иккита қишлик клуб, ўнга яқин озиқ-овқат, саноат ва хўжалик моллари магазини, учта ҳаммом, иккита катта боғча ва ясли ҳамда бошқа бир қанча маданий-маиший муассаса бинолари... Буларнинг ҳаммаси 1959 йилнинг ўзида қурилиб, фойдаланишга топширилди. Оҳангарон шаҳрида барпо этилган бу янги бинолар шаҳарнинг ҳуснига ҳусн қўшади.

А. Кўкиев.

ЦЕХ РАДИОЛАШДИ

Чирчиқдаги электрокимё комбинатининг 7-цехи радиолаштирилди. Бунинг учун комбинат завод комитети 5 минг сўмдан ортиқ пул ажратган эди. Ҳозир цехнинг барча корпусларида «Заря» репродуктори ўрнатилган. Радио орқали цех ишчилари корхона янгиликларидан хабардор бўлиб турадилар, концерт тинглайдилар, эълонлар эшитадилар.

Т. Фзалов.

ЯНГИ АТЕЛЬЕ

Яқинда Луначарское поселкасида икки қаватли ҳашаматли бино қад кўтарди. Оржоникидзе райпотребсоюзи бу бинони модалар ателъесига берди. Ателье усталари поселка аҳолисининг буюртмалари бўйича пальто, костюм, кўйлакларни сифатли қилиб тикмоқдалар.

И. Рустамов.
З. Орипов.

Янги комбинат

Троицк посёлкаси яқинида янги қурилиш материаллари комбинати қуришга киришилди. Яқинда бу йирик корхонанинг асосий корпуси қуриб битказилди. Унда муҳим ускуналар ва агрегатларни монтаж қилиш ишлари қизғин олиб борилмоқда.

Комбинатда барча ишлаб чиқариш процесси механизация ёрдамида бажариладиган бўлади. Комбинат ёнида йирик арматура участкаси ва склад барпо қилинди. Корхонага ҳомашё келтириш учун темир йўл изларини қурилди.

Янги корхона 1960 йилнинг биринчи ярмида ишга туширилади. У 160-трест ихтиёридаги бешта УНР-нинг юзларча қурилиш участкаларига ҳар хил мураккаб темир-бетон конструкциялар, дурадгорлик материаллари, блоклар ва арматуралар етказиб беради.

Т. УРУНОВ.

Мичурин университети

Бўстонлиқ районида Мичурин университети ташкил этилди. Университетга қишлоқ хўжалик ходимлари, уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи аёллар ва зиёлилардан ҳаммаси бўлиб 100 дан ортиқ киши ёзилди. Яқинда университетнинг биринчи машғулоти бўлиб ўтди. Бунда район ижроия комитетининг раиси Ўртоқ К. Асилбеков «Етти йилликда СССР қишлоқ хўжалигининг ривожланиши ва районнинг перспективаси», биология фанлари кандидати Ўртоқ Калмиков «Район боғдорчилигини ривожлантириш тадбирлари тўғрисида» доклад қилдилар.

Университетда ойига 2 марта мичуринча биология, боғдорчилик илми тўғрисидаги лекция ва суҳбатлар ўтказиб туриш планлаштирилган. Лекцияларга тааллуқли кинофильмлар ҳам намойиш қилинади.

Мичурин университетининг очилиши район меҳнаткашлари ҳаётида катта воқеадир. Чунки бу ерда деҳқончилик ва боғдорчилик асослари ва оммага ўргатилади. Бўстонлиқликлар бошлаган бу ташаббусни областимизнинг барча районларида қўлланса арзийди.

Н. ТОЖИБОЕВ.

Халқ театри номини олиш учун

Сирдарё район Верхне-волинск посёлкасидаги маданият уйи ҳузурида ташкил қилинган бадиий ҳаваскорлар тўгараги аъзолари халқ театри номини олиш ва район меҳнаткашларига маданий хизмат кўрсатиш учун қизғин ижодий иш олиб бормоқдалар. Улар ўз репертуарларини янги-янги номерлар билан бойитмоқдалар.

Тўгарак аъзолари бу йил биринчи марта саҳна асари тайёрлашга киришган эдилар. Улар драматург Уйғун ва Иззат Султон ўртоқларнинг «Алишер Навоий» драмасидан парчалар ва бир пардали «Юрак касали» комедиясини саҳнага қўйдилар. Бош ролларни Т. Солиев (Навоий), С. Ҳолбоев (Ҳусайн Байқаро), Р. Ўроз-боев (Мансур) ўртоқлар ижро этадилар. Ҳаваскорлар ўзлари тайёрлаган саҳна асарларини колхоз ва совхозларда намойиш қиладилар.

Т. СОЛИЕВ.

Тошкент область меҳнаткашлари Пахта байрамини зўр тантана билан ўтказмоқдалар. Шу муносабат билан Оржоникидзе районидаги Қибрай қишлоғида катта улоқ бўлди. Бу халқ тамошасига район колхозларининг энг моҳир улоқчилари қатнашдилар. Суратда: улоқ талашиш.

Р. Шамсутдинов фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси)

Уй-жой фонди рўйхатга олинмоқда

Ўзбекистонда уй-жой фондини рўйхатга олиш бошланди. Рўйхат барча иттифоқчи республикалар территориясида 12-январгача ўтказилади. Рўйхатни Статистика бошқармаси органларининг ходимлари меҳнаткашлар депутатлари Советлари томонидан ажратилган жамоат рўйхатчиларининг ёрдами билан ўтказмоқдалар.

Шаҳарларда ва ишчи поселкаларида гражданларнинг шахсий мулки бўлган уй-жойлар Бутуниттифоқ рўйхатига олинади. Айни бир вақтда шаҳарлардаги ва қишлоқ жойларидаги умумлаштирилган бутун уй-жой фонди ҳисобга олиниши лозим. Шахсий уй-жой фонди уйларни бирма-бир кўриб чиқиш ва уй эгаларидан сўраш йўли билан рўйхатга олинади. Давлат ва кооператив уй-жой фонди ҳисобга олиниши корхоналар ва ташкилотлар маҳаллий статистика органларига тегишли маълумотлар берадилар.

Бутуниттифоқ рўйхати шаҳар ва қишлоқларнинг уй-жой хўжалигида рўй берган катта ўзгаришларни акс эттиради, партия ва ҳукуматнинг уй-жойларга бўлган эҳтиёжни яқин йиллар ичида тўла қондириш соҳасидаги тадбирлари қандай амалга оширилаётганлигини ҳужжатлар асосида кўрсатиб беради. Рўйхат маълумотлари уй-жой фондига ҳар томонлама характеристика бериш, мамлакатнинг турли районларида бундан кейинги уй-жой қурилишини тўғри планлаштириш имкониятини беради.

Рўйхатни ўтказишда Статистика бошқармаси органларига ҳар тараф-лама ёрдам кўрсатиш — ҳар бир совет гражданининг бурчидир. (ЎзТАГ).

Чирчиқдаги ўлкашунослик музейида чет эл мамлакатларидан юборилган ҳар хил совғалар сақланади. Суратда: шаҳардаги 7-мактаб ўқувчилари Хитой Халқ Республикасининг Шанхай шаҳридан келтирилган совғаларни тамоша қилмоқдалар.

Р. Шамсутдинов фотоси.
(ЎзТАГ фотохроникаси).

Ҳикоялар экранда

Улуғ рус ёзувчиси А. П. Чехов туғилган куннинг юз йиллиги шу йилнинг январь ойида нишонланади. Шу муносабат билан «Мосфильм» павильонларида бир нечта кинофильм суратга олинмоқда.

Павильонларнинг бирида «Санъат асари» номли ҳикоя асосида яратилаётган фильмнинг сўнгги кадрлари суратга олинмоқда. Картинада тамошабинларга таниш бўлган артистлардан Ф. Шевченко, А. Грибов ва С. Мартинсон ўртоқлар қатнашадилар. «Мосфильм» Чехов юбилейига «Қасос» ва «Анюта» номли ҳикояларни ҳам экранлаштириб, совга қилади.

Тамошабинлар яқин кунларда Ванька Жуковни, унинг хўжайини, Константин Макарич бобо ва «Ванька» ҳикоясининг бошқа қаҳрамонларини экранда кўрадилар. Бу фильмни М. Горький номидаги киностудия яратмоқда.

Машҳур кинорежиссёр М. Хейфиц «Кучук етаклаган хоним» деган ҳикояни экранлаштириш ҳаракатида. Кўпгина кадрлар ҳикоянинг асосий воқеалари содир бўладиган жой — Ялтада суратга олинди. Бош ролларни Алексей Баталов ва Ийя Саввиналар ижро этишади. «Ленфильм» киностудиясида бундан ташқари «Жодугар» ҳикояси ҳам экранлаштирилмоқда. Бу фильмни яратишда севимли артистлардан А. Ларионова, Н. Рябиков ва Э. Гаринлар ижодий иш олиб боришаяпти.

Чехов асарлари совет кинематографчилари ижодида ўзининг кенг ифодасини топмоқда. Сўнгги йилларда ёзувчи асарлари асосида 20 дан ортиқ фильм яратилгани бунинг ёрқин далилидир. Бу картиналарнинг ҳаммаси юбилей кунларида экранларда намойиш қилинади.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Бугун Тошкентда ва Тошкент областида ҳаво булутли бўлиши кутилади. Ёғингарчилик бўлади. Температура 0 даража атрофида бўлади.

Чет элларда

СОВЕТ ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ МАРОКАШДА БЎЛИШИ

РАБАТ, 4 январь. (ТАСС). 2 январда Рабатдаги король саройида Марокаш короли Муҳаммад V СССР Олий Совети Миллатлар Советининг Ташқи ишлар комиссияси раиси Н. А. Муҳитдинов билан учрашди. Н. А. Муҳитдинов Либериянинг янги сайланган президенти Уильям Тамбэн ва вице-президенти Уильям Толбертнинг ўз вазифаларини бажаришга расмий равишда киришишлари муносабати билан бўладиган байрам тантаналарида қатнашиш учун Либерияга бораётган ва Марокашда тўхтаган Совет ҳукумат делегациясига бошчилик қилмоқда.

Муҳаммад V нинг Н. А. Муҳитдинов билан учрашуви дўстона руҳда ўтиб, бир соатча давом қилди. Суҳбат давомида Муҳаммад V ва Н. А. Муҳитдинов бир қанча актуал халқаро масалалар юзасидан, шунингдек Совет-Марокаш муносабатларини янада ривожлантириш истиқболлари ҳақида фикр олишдилар.

Учрашув вақтида СССР нинг Марокашдаги элчиси Д. П. Пожидаев ва СССР Ташқи ишлар министрлиги Африка мамлакатлари бўлимининг мудири А. А. Шведов ҳозир бўлдилар.

Н. А. Муҳитдинов бошчилигидаги СССР ҳукумат делегацияси, шунингдек Украина ССР нинг расмий вакили — Украина ССР Олий Совети Президиумининг секретари А. Н. Зленкова, Белоруссия ССР нинг расмий вакили — Белоруссия ССР Олий Совети Президиумининг секретари Д. А. Лукашевич кеча Монровияга самолетда учиб кетдилар.

ВИЛЬГЕЛЬМ ПИК 84 ЁШГА КИРДИ

БЕРЛИН, 3 январь. (ТАСС). Немис халқининг солиқ фарзанди, халқаро ва немис ишчилар ҳаракатининг атоқли арбоби, Германия Демократик Республикаси президенти Вильгельм Пик туғилган кунга бугун 84 йил тўлди. Шу кун муносабати билан матбуотда Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг табрикномаси эълон қилинган. Табрикномада Вильгельм Пикнинг милитаризм ва империализмга қарши, тинчлик ва социализм учун курашга бағишланган бутун ҳаёти революционер ҳаётининг порлоқ намунасидир, деб таъкидланади.

Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитети партиянинг ҳамма аъзолари ва Германия Демократик Республикаси меҳнаткашлари номидан Вильгельм Пикни табриклайди ва унга сиҳат-саломатлик тилайди.

Шунингдек, Германия Демократик Республикаси Халқ палатаси президиуми, Министрлар Совети президиуми, Демократик Германия Миллий фронти миллий кенгашининг раиси Э. Корренс, Германия Демократик Республикаси демократик партиялари ва оммавий ташкилотларининг раҳбар органлари, Германия Коммунистик партияси Марказий Комитети ва бошқа ташкилотлар ҳам Вильгельм Пикни табрикладилар ва қутладилар.

БОШ МИНИСТР ҚОСИМ Г. И. ЗЕЛЕНКОНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

БАҒДОД, 4 январь. (ТАСС). Ироқ бош министри Қосим кеча СССР Министрлар Совети профессионал-техника таълими Давлат комитетининг раиси Г. И. Зеленкони қабул қилди. Г. И. Зеленко миллий техник кадрлар тайёрлашда Совет Иттифоқининг Ироққа техника ёрдами бериши ҳақида олиб борилган ва битим имзолаш билан тугалланган музокараларда Совет делегациясига бошчилик қилган эди. Бош министр дўстона суҳбат вақтида Ироқ Республикасига кўрсатилаётган беғараз ёрдам учун Совет Иттифоқи халқига ва ҳукуматига ташаккур изҳор қилди. Суҳбат вақтида СССР нинг Ироқдаги элчиси Г. Т. Зайцев ҳозир бўлди.

Ўша куни Бағдод муниципалитетида Совет делегацияси шарафига қабул маросими ўтказилди. Қабул маросимида бош министр Қосим бошчилигида Ироқ ҳукумати аъзолари ҳозир бўлдилар.

РАКЕТА БАЗАЛАРИГА ВА ЯДРО ҚУРОЛИГА ҚАРШИ

ЛОНДОН, 4 январь. (ТАСС). Англияда Америка ракета базаларининг жойлаштирилишига қарши чиқувчи соф виждонли кишиларни эмас, балки бу базаларнинг Англияда жойлаштирилишига руҳсат бериб, жинояткорона аҳмоқлик қилган кишиларни турмага қамаб қўйиш керак эди, — деди кеча Лондондаги Гайд-Паркда ўтказилган митингда лейбористлар партияси ижроия комитети раисининг собиқ ўринбосари Ян Микардо.

Машҳур методист руҳоний Дональд Сопер митингда сўзга чиқиб, СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчевнинг қуролсизланиш ҳақидаги таклифларини қўллаб-қувватлади. «Биз коммунист ёки методист бўлишимиздан, диндор ёки атеист бўлишимиздан қатъи назар, Хрушчевни ёқлаймиз. У — тинчлик истиқболини ўз қўлида тутаётган кишидир. Ана шу ишда уни қўллаб-қувватлаш зарур», — деди Сопер.

Кеча Лондондаги Америка элчихонасининг биноси олдида 500 га яқин намойишчи тўпланиб, «Бомбани тақиқланг!», «Синовларни тўхтатингиз!» деган хитобларни қайта-қайта айтдилар. «Ядро қуролига қарши ҳаракат» ташкилотининг раиси руҳоний Коллинз ва руҳоний Дональд Сопер Эйзенхауэр номига ёзилган мактубни элчихонага топширдилар. Бу мактубда Қўшма Штатларнинг ядро қуроли синовларини яна бошлаб юборишлари мумкинлиги ҳақидаги баёнотига қарши норозилик билдирилади.

КУНГИЛСИЗ ФАКТЛАР

ИСТАМБУЛ, 4 январь. (ТАСС). Кеча Туркияда сил касалига қарши кураш ҳафталиги бошланди. Шу 7 кун мобайнида мактабларда лекциялар ўқилади, фотовитриналар ташкил қилинади. Сил касали Туркияда энг кўп тарқалган касалликлардан биридир. «Жумҳурият» газетасининг маълумотларига кўра, мамлакатда бу касалликдан йил сайин 30—40 минг киши ўлмоқда.

Газетанинг ёзишича, ёлғиз Истамбулнинг ўзида сил касалига мубтало бўлган кишиларнинг сони 25.000 га яқиндир.

Сил касалини даволаш учун диспансерлар ва касалхоналарда ўрин етишмайди. Ҳозирги вақтда даволаш муассасаларида атиги 12.000 ўрин бор, бу эса мутлақо етарлик эмасдир.

Телевизор экранида

5 ЯНВАРДА

12.00. Болалар боғчасида Янги йил арчаси (рус тилида).

12.20. Бадиий фильм — «Хитой ЦИРКИ».

19.00. Рус тилида «Рассом ҳикоялари» деган биринчи эшиттириш.

19.10. «Дин ва атеизм тарихий музейи» деган ҳужжатли фильм.

19.35. Тошкент шаҳар Киров район маданият уйи бадиий ҳаваскорларининг концерти.

20.00. Навоий номли театрдан «Флория Тоска» операси олиб кўрсатилади. Танаффус вақтида сўнгги ахборот.

ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИДА СУВ ХЎЖАЛИГИ ҚУРИЛИШИ

ПЕКИН, 4 январь. (ТАСС). Хитой Халқ Республикасида сув хўжалиги иншоотлари қурилиши кенг авж олдириб юборилди. 1959 йилнинг ноябрь ва декабрь ойларидагина халқ Хитойида шу иншоотлар қурилишида жамъи 11,6 миллиард кубометрдан кўпроқ ҳажмда ер ишлари бажарилди. Агар ана шу тупроқдан 1 метр баландликда ва бир метр кенгликда кўтарма қиладиган бўлсак, бу кўтарма билан Ер шарини экватор бўйлаб 290 марта ўраб чиқиш мумкин бўлур эди.

Синьхуа агентлигининг хабар беришича, ҳозирги вақтда Хитой Халқ Республикасида 1,5 миллион сув хўжалиги иншоотлари қурилмоқда. Бу иншоотларнинг кўпчилиги — асосан, халқ коммуналари кучи билан қурилаётган кичик ва ўртача объектлардир.

Масалан, Саньминьсия дарасидаги гидроузел, Хуанхэ дарёсидаги олтита йирик объект ва Янцзи дарёсининг энг катта ирмоғи Ханьшуй дарёсидаги Даньцзянкоу ГЭСи сингари кўпгина катта объектларда қурилиш ишлари тез суръатлар билан олиб борилмоқда.

Хитой Халқ Республикасида бир канча йирик сув хўжалиги иншоотлари қуришнинг 1959 йилги плани белгиланган муддатидан илгари бажарилди.

САҲРОДА ДЕНГИЗ

ПЕКИН, 4 январь. (ТАСС). Синьхуа агентлиги мухбирининг Ланьжоу шаҳридан хабар беришича, Тэнгри саҳросининг (Ғарби-Шимолий Хитой) жанубий қисмида йирик сув омбори қурилиши битай деб қолди.

127 миллион кубометр ҳажмли бу сув омбори саҳродаги 80 минг гектардан кўпроқ ерни суғориш имконини беради.

Сув омборидан бошланадиган 82 километрлик канал саҳро орқали ўтади. Каналда гидростанция қурилади.

БИЛИМ ВА ТАЖРИБА ОЛИШ УЧУН СОВЕТ ИТТИФОҚИГА

КОБИЛ, 3 январь. (ТАСС). Бир группа афғон студентлари Москва университетида ўқиш учун яқинда Москвага жўнаб кетдилар. Тошкент заводларида ишлаб чиқариш тажрибасидан ўтиш учун Жангалак авторемонт заводининг бир группа афғон ишчилари ва техниклари бугун Тошкентга жўнаб кетдилар. Бу — СССР га келаётган биринчи афғон ишчилари группасидир. Ўзбекистон пойтахти заводларида бир йил ичида афғон ишчиларига ҳар хил ихтисослар ўргатилади.

Ишлаб чиқариш тажрибасидан ўтиш учун Афғонистоннинг бир группа нефтчи ишчилари яқинда Бокуга жўнаб кетади.

Редактор: З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 5/I да кундуз **Макр ва муҳаббат**, кечқурун **Тоғажиянлар**, 6/I да кундуз ва кечқурун **Оқпадар**. 6/I даги кундузги спектаклга билетлар сотилган.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 5/I да кундуз **Евгений Онегин**, кечқурун **Флория Тоска**, 6/I да кундуз **Оққуш кўли**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 5/I да кундуз **Фарғона ҳикояси**, кечқурун **Равшан ва Зулхумор**, 6/I да кундуз **Ошиқ Ғариб**, кечқурун **Ватан ишқи**.

Қонун—қонундир — «ВАТАН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Бир қирувчининг тарихи — НАВОИЙ номли, «ИСКРА», «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

Ҳарбий сир — НАВОИЙ номли (эрталаб соат 10-20 минутда).

Насриддин Ҳўжандда — НАВОИЙ номли (кундуз соат 3-20 минутда).

Болалар — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 11, кундуз 1 ва 3 да), «СПУТНИК» (кундуз 12 ярим, 2 ярим ва кеч 7 яримда).

Калта шим кийган одам — «ИСКРА» (кеч соат 10 яримда).

Фарзандлар — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 4 да).

Андрейка — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10 да). «ЎЗБЕКИСТОН» (эрталаб соат 11 ярим, кундуз 1 ярим ва 2-40 минутда).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
мактаб ўқувчиларининг каникул кунларида
10 январгача
АРЧА
„Айиқлар кўргани борамиз“
Энг йирик совет аттракциони
„Айиқлар цирки“
иштирокида
КАТТА БАЙРАМ ТАМОШАЛАРИ
Тамошалар кундуз соат 1, 4 ва кеч 8 да бошланади. Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.

ГРАЖДАН ҲАВО ФЛОТИ ЎЗБЕКИСТОН ТЕРРИТОРИАЛ БОШҚАРМАСИГА
бош бухгалтер ўринбосари ва рус ча машинисткалар
керак
Аэропортда кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин.

Тешиктоғ проезд, 13-уйда турувчи **Мариэтта Петровна Швец**нинг Лазо кўчаси, 12-уйда турувчи Альберт Аронович Виницкийдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Ленин район, 6-участка халқ судида кўрилади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 26 **РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:** коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140, Пропаганда бўлими — 34808, 136. Совет қурилиши бўлими — 136. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040, 135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040,135. Саноат ва транспорт бўлими, маданият бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156 Маҳаллий ахборот бўлими — 34048, 132. Секретариат — 29040, 50. Эълонлар бўлими — 38142.

Р. 02003. «Қизил Ўзбекистон» «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. А-1502.